

## **Газламани эгилувчанлиги ғижимланмаслик кўрсаткичларига таъсири**

**С.Т.Султонов**

**Фаргона политехника институти Енгил саноат тукимачилик  
факультети табиий толалар кафедраси**

**To the non-creasing index of the elasticity of the gauze**

**S.T.Sultonov**

**К несминающемуся показателю эластичности марли**

**С.Т.Султонов**

### **АННОТАЦИЯ**

Газламалардан, устки кийимлар учун белгиланган конструктив шаклни сақлаш, лойиҳалаштиришдаги асосий талаблардан бири ҳисобланади. Жун ва ипак газламалардаги шакл мустаҳкамлиги ва белгиланган шаклни сақлаш хусусияти маҳсулот истеъмолидаги кўрқам ташқи кўринишнинг ажralmas шарти ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Табиий ипак, пахта, ипларни қисқариши, ҳаво ўтказувчанлиги, қалинлик, зичлик, полотно, шода, текс, бурам, буғлаш, тиф, пишитиш.

### **ANNOTATION**

This article provides information and recommendations on the operation of existing equipment, sorting equipment of theoretical and practical importance, based on the analysis of modern research on the process of weaving fabrics made from natural and cotton raw materials. The mission and purpose of the research is to increase the efficiency of weaving, reduce the cost of weaving and develop a competitive product in the world market through theoretical and practical research. This product is made from 100% natural fibers.

**Keywords:** Natural silk, cotton, yarn shrinkage, air permeability, thickness, density, cloth, twine, tex, twist, steaming, blade, baking.

## АННОТАЦИЯ

Сохранение структурной формы, предусмотренной для верхней одежды, является одним из основных требований к дизайну. Стабильность и сохранение формы шерстяных и шелковых тканей — непременное условие привлекательного внешнего вида изделия в процессе потребления.

**Ключевые слова:** Натуральный шелк, хлопок, усадка пряжи, воздухопроницаемость, толщина, плотность, ткань, шпагат, текс, крутка, пропаривание, лезвие, запекание.

## Газлама эгилувчанлигининг ғижимланмаслик кўрсаткичига таъсири

Газламалардан, устки кийимлар учун белгиланган конструктив шаклни сақлаш, лойиҳалаштиришдаги асосий талаблардан бири ҳисобланади. Жун ва ипак газламалардаги шакл мустаҳкамлиги ва белгиланган шаклни сақлаш хусусияти маҳсулот истеъмолидаги кўркам ташқи кўринишнинг ажралмас шарти ҳисобланади.

Жун ва ипак табиий толаларининг фойдали хусусиятларини аралаш толали газламаларда самарали қўллаш имкониятлари, янги моделлар яратишида қўлланиладиган экспрементал газламаларнинг релаксацион хусусиятларини ва устки кийим кўрсаткичларини асослашни тадқиқ этиш истиқболларини белгилаб беради.

Маълумки, газламалар ишлаб чиқариш жараёнида турли кучлар таъсирида бир қатор ўзгаришларга дуч келади. Бу ўзгаришлар тўқув ёки бошқа ишлов бериш дастгоҳларидан газлама олингандан ва ундан маҳсулот тикилгандан сўнг ҳамда маҳсулотларни истеъмол даврида қисман бартараф этилади. Шунингдек кийим баданга кийиб юрилган вақтда унга даврий равишида алмашиб турувчи кунлар таъсиридаги тортилишлар ва кучдан холи бўлган даврлар, тикилган маҳсулот структурасига таъсир этиб боради. Бунинг натижасида маҳсулот алоҳида қисмларининг шакл ўзгариши юз бериши мумкин, бу албатта маҳсулот ташқи кўринишнинг салбий таъсир кўрсатади. Маҳсулот ташқи кўринишнинг ўзгариши газламанинг хом ашё таркиби, ўрилиши турига, тўқима тузилиш фазасига, иплар ўртасидаги ишқаланиш ва чирмасиши кучларига, якуний натижада эса маҳсулотнинг шакл сақлаш хусусиятига боғлиқ.

Газлама тузилиши бўшлиқдаги панжара шаклидаги иплардан иборат бўлиб, бу иплар таркибидаги толалар ўртасида ишқаланиш ва чирмасиҳ кучлари мавжуд ва ушбу кучлар газлама шакл ўзгариш хусусиятини белгилайди. Газламада таъсир этувчи ташқи боғлар қаторида толаларнинг атомлар аро ва молекулалар аро ўзаро таъсир кучлари томонидан белгиланувчи ички боғлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, газламалар шакл ўзгариш хусусиятларини, релаксацион жараёнлар ривожланиш кўрсаткичини сезиларли даражада белгиловчи мураккаб тузилишга эга. Материалнинг эгилишга қаршилик хусусити унинг пишиқлигига, текисланиш ва аввалги холатини тиклаш хусусияти эса унинг эгилиувчанлигига боғлик.

Кийим учун газлама танлашда шакл хосил қилиш хусусиятининг энг муҳим омили унинг ғижимланмаслик кўрсаткичи ҳисобланади. Агар газлама тез йўқолувчи шакл ўзгаришнинг сезиларли миқдорига эга бўлса, бундай газламадан тикилган маҳсулот яхши даражадаги ғимжимланмаслик хусусиятига эга бўлади. Агар материалда пластик шакл ўзгариш миқдори кўпроқ бўлса, истеъмол вақтида ғижимланган маҳсулот ўзининг асли холатдаги кўринишини тиклай олмайди.

Шартли эгилиувчан шакл ўзгариш ва ғижимланмаслик ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, у 0,8-0,9 миқдоридаги корреляция коэффициенти билан белгиланади. Кийим тикиладиган материал оптималь даражадаги ғижимланмаслик хусусиятига эга бўлиши керак, меъёридан ортиқ ғижимланмаслик ҳам салбий кўрсаткич бўлиб, газламадан маҳсулот тайёрлашда қийинчиликлар туғдиради, маҳсулот ташқи кўринишини ва сифатини ёмонлаштиради.

Ғижимланмаслик омили оптималь даражадаги газлама намуналарининг релаксацион хусусиятларини тадқиқ этишда шакл ўзгариш ва релаксация хусусиятларини аниқлашнинг, маълум бўлган, материалга белгиланган маълум вақт оралиғида ўзгармас куч таъсир этиш ва дам бериш услуби кўлланилди.

Вақт ( $t$ ) оралиғида шакл ўзгаришдаги ўзгаришларни ( $\varepsilon$ ) баҳолаш, жунипак газламаларнинг эгилиувчан ва эластик хусусиятларини ҳисобга олиб, Кельвин механик моделидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди [74]. Кўрсатилган моделга асосан янги газламанинг шакл ўзгаришини қуйидаги тенглама қониқтиради:

$$\eta \frac{d\varepsilon}{dt} + E\varepsilon = \sigma_0(t) \quad (1)$$

бу ерда:  $\eta(Pa \cdot c)$ ,  $E(Pa)$  – материалнинг динамик эгилувчанлиги ва Юнг модули  $\sigma_0 = \frac{P_0}{S}$

(Pa) - кучланиш;  $P_0(H)$  - газламага бўйлама таъсир этувчи куч.

(4.7) тенгламага асосан куч таъсири вақтида агар  $\sigma_0 = \sigma_{00} = const$ ,  $\varepsilon = 0$ ,  $t = 0$  бўлса, қуйидаги ечим хосил бўлади:

$$\varepsilon = \varepsilon_n [1 - \exp(-a_1 t)] \quad (2)$$

бу ерда:  $\varepsilon_n = \sigma_0 / E$  - пластик шакл ўзгариш;  $a_1 = 1/\tau_1$  - кечикиш вақти.

Агар  $t = t_0$  деб фараз қилсақ, газламадаги кучланиш нолга тенг бўлади. Модел хусусиятларига қўра газламанинг шакл ўзгариши вақт оралиғида пасаяди. Бу дам олиш жараёнига тўғри келади. Унда (2) тенгламанинг ўнг томони нолга тенг бўлади ва унинг ечими қуйидаги қўринишни олади:

$$\varepsilon = \varepsilon_m \exp(-a_1 t) \quad (3)$$

бу ерда:  $\varepsilon_m (0 < \varepsilon_m < \varepsilon_n)$  - газламанинг процес бошидаги шакл ўзгариши, умумий холатда  $\varepsilon_2$  газламадан куч олинган пайтдаги шакл ўзгаришга тенг эмас, демак  $\varepsilon_m \neq \varepsilon_0 [1 - \exp(-a_1 t_0)]$ ,  $a_1 = 1/\tau_1$  умумий холатда  $\tau_1 \neq \tau$ .

Одатда (2) ва (3) формулалардаги  $\varepsilon_n$ ,  $a$ ,  $\varepsilon_m$  ва  $a_1$  қўрсаткичлар амалий тадқиқотлар натижаларига қўра аниқланади. Бунинг учун хар иккала холатда ҳам материалнинг чўзилиш бўйича шакл ўзгаришидаги вақт ўзгариши маълум бўлиши керак. Агар вақт  $t = t_i$  бўлса, шакл ўзгариш қўрсаткичи  $\varepsilon = \varepsilon_i$  бўлади.  $\varepsilon_n$  ва  $a$  қўрсаткичларини куч қўйилган вақтда аниқлаш учун, квадрат чекланиш усулидан фойдаланамиз ва қуйидаги формулани оламиз:


$$\varepsilon_n = \frac{\sum_{i=1}^n \varepsilon_i [1 - \exp(-at_i)]}{\sum_{i=1}^n [1 - \exp(-at_i)]} \quad (4)$$

$a$  қўрсаткичи транцендентнинг қуйидаги тенгламаси билан топилади:

$$\frac{\sum_{i=1}^n \varepsilon_i [1 - \exp(-at_i)]}{\sum_{i=1}^n [1 - \exp(-at_i)]} - \frac{\sum_{i=1}^n \varepsilon_i t_i \exp(-at_i)}{\sum_{i=1}^n t_i [1 - \exp(-at_i)] \exp(-at_i)} = 0 \quad (5)$$

Дам бериш вақтида ( $t > t_0$ ) алоҳида холат шакл ўзгариши  $\varepsilon_m$  ни маълум деб ҳисоблаймиз. Бунда  $a_1$  кўрсаткичини квадрат чекланишнинг минималлаштиришини қўллаб, қуидаги тенгамага эга бўламиш:

$$\sum_{i=1}^n \{\varepsilon_i - \varepsilon_m \exp[-a_1(t_i - t_0)]\}(t_i - t_0) \exp[-a_1(t_i - t_0)] = 0 \quad (6)$$



1- расм. Поликомпонент (50% жун+20% ипак тола+20% полиэфир)  
газламанинг релаксацион кўрсаткичлари графиги  
 — тажриба чизиғи;  
 — назарий чизик;  
 1- танда; 2- арқоқ.

1(1) ва 1(2) расмдаги график тасвирдан фойдаланган холда танда ва арқоқ учун  $\varepsilon_n$ ,  $\tau$  ва  $\tau_1$  кўрсаткичлар аниқланди:



Арқоқ ипи учун  $\varepsilon_m = 8,6\%$ ,  $\varepsilon_n = 33,86\%$ ,  $\tau = 52,4$ ,  $\tau_1 = 146$ .

Танда ипи учун  $\varepsilon_m = 1,8\%$ ,  $\varepsilon_n = 21,34\%$ ,  $\tau = 146$ ,  $\tau_1 = 97$ .

Юқорида белгиланган кўрсаткичлардан келиб чиқиб ва (2) - (3) формулалардан фойдаланиб, вақт оралиғида шакл ўзгаришдаги ўзгаришлар аниқланди (2 ва 3 жадвал).


Шундай қилиб, жун-ипак газламасининг эгилувчанлик қисми шакл ўзгариш кўрсаткичи 64-70 % эканлиги назарий жиҳатдан асосланди ва амалиётда тасдиқланди. Демак бу газламани шакл сақлаш хусусиятли уст кийим тикиш учун тавсия қилиш мумкин.

1-жадвал. Арқоқ иплари вақт оралиғидаги шакл ўзгариши кўрсаткичлари

Куч ( $\varepsilon_n = 33,86\%$ $\tau = 52,4$ )													
T	0	5	10	15	20	25	30	35	40	45	50	55	60
$\varepsilon_1$	0	3,1	6	8,2	10	12, 5	15, 1	16, 2	18, 3	19, 2	21, 1	22, 2	22, 5
(%)	0	3,0 7	5,8 7	8,4 7	10, 4	12, 8	14, 7	16, 4	18, 0	19, 5	20, 8	22, 0	23, 0
Дам ( $\varepsilon_m = 8,6\%$ $\tau_1 = 146$ )													
T	60	65	70	75	80	75	90	95	100	105	110	115	120
$\varepsilon_i(\%)$	8, 6	8,2	8,0	7,7 8	7,5	7,1	6,8	6,5	6,4	6,3	6,2	6,1	6,0
$\varepsilon(\%)$	8, 6	8,3 1	8,0 3	7,7 6	7,5 4	7,2 4	7,0 6	6,7 4	6,5 1	6,3 1	6,1 6	5,9 3	5,7 0

2-жадвал. Арқоқ иплари вақт оралиғидаги шакл ўзгариши кўрсаткичлари

Куч ( $\varepsilon_n = 21,34\%$ $\tau = 146$ )													
T	0	5	10	15	20	25	30	35	40	45	50	55	60
$\varepsilon_1$	0	1,5	2,7	4,2	5,9	7	8,2	9	10, 2	11, 5	12, 1	12, 8	13, 2
$\varepsilon(\%)$	0	1,6 1	3,0 9	4,4 7	5,7 4	6,9 2	8,1 1	9,0 1	9,9 4	10, 8	11, 6	12, 3	13, 0
Дам ( $\varepsilon_m = 1,8\%$ $\tau_1 = 97$ )													



2  
3-расм.

Ипак газламанинг релакцион кўрсаткичлари графиклари

— тажриба чизиги;  
— назарий чизик;

1- танда; 2- арқоқ

Кўрилаётган 100 % табиий ипакдан тўқилган газлама шакл ўзгариш графигидан (расм 4.7) фойдаланиб, назарий ва амалий натижаларни

солиштириш йўли билан биз қўйидаги кўрсаткичларнинг қидирилаётган миқдорларини аниқладик:  $a_1, a_2, a_3, a_4$ ;

**Ипак газлама учун:**  $a_1=0,46; a_2=0,56; a_3=0,31; a_4=0,47$ .

Маълумки газламалар ишлаб чиқариш ва ундан сўнг ишлов бериш жараёнларида сезиларли даражадаги чўзилиш кучлари таъсида бўлади, бунинг

натижасида газлама тузилишида эластик шакл ўзгариш омиллари пайдо бўлади, қайсики, газлама толаларини чўзилишга ва газлама тузилишдаги қайта ўзгаришларга олиб келади.

Бу шакл ўзгариш миқдорлари тўқимачилик ишлаб чиқариши жараёнларида тўлиқ йўқолиб улгурмайди ва бу шакл ўзгаришлар пардозлаш жараёнларида намлик билан ишлов беришдан сўнг ва қуритилганда қисман барқарорлашади. Шунинг учун тайёр газламаларда ва улардан тикилган маҳсулотларда намлик-харорат ишловларида тезлашадиган релаксацион жараён қайтарилиши юз беради.

Шундай қилиб, релаксацион хусусиятларни назарий ва амалий тадқиқ қилиш орқали жун, ипак каби табий толалардан ва уларнинг 25 % гача кимёвий толалар билан аралашмаларидан тўқилган газламалар юқори эгилувчанлик ва эластик хусусиятларга эга эканлиги, пластик шакл ўзгариш эса умумий чўзилишнинг учдан бир хиссасидан камроқ миқдорга мос келишилиги аниқланди. Бу омиллар ва олинган ҳавоўтказувчанлик кўрсаткичлари натижаларидан жун, ипак ва уларнинг кимёвий толалар билан аралаш тўқилган газламаларидан Ўзбекистон Республикасининг иқлим шароитига мос уст кийимлар тикиш мумкин деган холоса қилиш мумкин .

Халқаро ECLA сифат стандарти талабларига асосан, жун ва ипак газламаларнинг ғимжимланмаслик коэффициенти ( $K, \%$ ) 25 % дан ошмаслиги керак. ECLA талаблари асосида жун, ипак ва аралаш газламаларнинг тажриба намуналарида, ғижимланмаслик коэффициенти бўйича солишишторма баҳолаш ўтказилди. З жадвалда келтирилгин солишишторма баҳолаш натижаларидан барча танлаб олинган газлама намуналари ECLA талабларига мос эканлиги кўриниб турибди.

Танлаб олинган барча газламалар ва тажриба намунаси сифат кўрсаткичларини тўлиқ ўрганиб чиқиш натижаларидан, бу газламаларнинг технологик ва истеъмол хусусиятлари уст кийим тикишда тўлиқ фойдаланиш мумкин деган хulosани беради.

### 3- жадвал. Газламанинг ғижимланмаслик коэффициенти, $K \%$

№	Хом ашё таркиби	ECLA талаблари > 30
		Факт бўйича

		Танда	Арқоқ
	<b>Жун:</b>		
1.	100 % жун	87,2	77,7
2.	98 % жун + 2 % эластан	88,4	84,0
3.	90 % жун + 10 % полиэфир	76,4	78,2
4.	70% жун+25% полиэфир	77,7	74,0
5.	70% жун+30% ипак тола	90,9	83,2
6.	50% жун+20% ипак тола+30% полиэфир	82,9	88,2
	<b>Ипак:</b>		
1.	Ипак газлама (100% ипак)	84,6	82,0
2.	Хонатлас (100% ипак)	72,7	74,3
3.	Шойи (100% ипак)	82,2	80,4
4.	Адрес (танда ипак + арқоқ пахта)	63,5	70,4
5.	Бекасам (танда ипак + арқоқ пахта)	67,9	65,3

З-жадвалда келтирилган тадқиқотлар натижаларининг тахлили шуни кўрсатадики, тажрибада қатнашган барча газламаларнинг кўрсаткичлари ECLA талабларига тўлиқ жавоб беради. Бунда жун-табиий ипак-полиэфир толалари аралашмасидан тайёрланган янги поликомпонент калава илларидан тўқилган газламаларнинг кўрсаткичлари юқори ўринлардан бирини эгаллаб турганигини кўрамиз. Демак ўтказилган тадқиқотлар янги яратилган технология бўйича ишлаб чиқарилган поликомпонент иллари ва улардан тўқилган газлама ассортиментлар барча замоновий талабларга жавоб беришни тасдиқлади.

### УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ҳозирги пайтда тўқималарнинг янги турларини яратишда унинг маҳаллий хом ашёлардан тайёрланганда сифат кўрсаткичларига таъсири аҳамият эканлиги ўрганилди. Янги тўқима гигеник ва таннарх жиҳатдан мавжуд тўқималардан самарадорлиги исботланди.



**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

- 1.Ubaydullaev M.M., & Sultonov S.T. (2022). DEFOLIATION IS AN IMPORTANT MEASURE. European International Journal of Multidisciplinary Research and
1. Sultonov, S. T. (2024). Halqali ip yigirish dastgohlarini cho‘zish uskunasini takomillashtirish. Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan, 2(1), 60-65.
2. Sultanov, S. T. (2023). Improvement of the extraction equipment of ring spinning machines. Journal of Modern Educational Achievements, 11(11), 240-244.
3. Muratovna, D. Z., & Madaminovich, P. K. (2023). Precision engineering of " iik-d1" series corrosion inhibitors: production insights. European Journal of Emerging Technology and Discoveries, 1(9), 57-62.
4. Sarimsakov, O., Turg'unov, D., Sattarov, N., Tukhtaev, S., & Sultonov, S. (2023, June). Analysis of the effect of fiber on differences difference in the microneyr indicator module field. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2789, No. 1). AIP Publishing.
5. Shi, Y., Zhan, X., Luo, Z., Zhang, Q., & Chen, F. (2008). Quantitative IR characterization of urea groups in waterborne polyurethanes. Journal of Polymer Science Part A: Polymer Chemistry, 46(7), 2433-2444.
6. ZM, P. D. (2023). Corrosion Inhibitors Based on Imidozoline. Texas Journal of Engineering and Technology, 22, 17-22.
7. Zikirov, M. C., Qosimova, S. F., & Qosimov, L. M. (2021). Direction of modern design activities. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 10(2), 11-18.

**Research Science and  
Innovation House**